

ДИАЛЕКТОЛОГИЯНИНГ АДАБИЙ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

Кулатова Фазиза Джинисбековна

Навоий давлат педагогика институти

Қозоқ тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчisi

АННОТАЦИЯ

Уиҷбу мақолада тилишуносликнинг муҳим соҳаси бўлган диалектологияниң адабий тилишуносликдаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари хақида фикрлар баён этилган.

Калим сўз: диалектология, тил, тилишунослик, шева, фан, адабий тил.

ABSTRACT

This article discusses the role and peculiarities of dialectology in literary linguistics, which is an important branch of linguistics.

Keywords: dialectology, language, linguistics, dialect, subject, literary language.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются роль и особенности диалектологии в литературоведении, которое является важной отраслью языкоznания.

Ключевые слова: диалектология, язык, языкоzнание, диалект, предмет, литературный язык.

КИРИШ

Диалектология грекча “диалектос” сўзидан олинган бўлиб, бирор тилнинг мавжуд шева ва лаъжаларини ўргатади. Диалект – шева, логос – таълимот, яъни шева хақида таълимот демакдир. Дунёда мавжуд тилларнинг деярли барчasi ўзига хос ички шева ёки шевачалардан иборат. Туркий тилларнинг ҳар бири бир неча шева ва диалектлардан иборатлиги фанда маълум. Шевашунослик мутахассисларидан бири профессор Е.Д. Поливанов: «... туркий тилларнинг бирортаси ҳам шевалараро қозоқ тили сингари бу кадар кескин фарқланмайди, демак,... бирорта туркий тил ҳам шу кадар специфик, диалектал хилма – хиллик хусусиятига эга эмасдир. Бу эса, табиий, адабий тил учун бирор диалектни асос килиб олиш масаласини ниҳоят даражада оғирлаштиради», деган эди. Бунда албатта, фикримизча тилишуносликнинг алоҳида ўрни бор. Катъий айтиш мумкинки, тилишуносликнинг барча соҳалари каби диалектологияни ҳам ўз ичига олган жаҳон тилишунослиги фани ҳам шу кунги тараққиёт босқичига етиб келгунча узок тарихий тараккиёт даврини, «ўсиш» даврини босиб ўтди. У турли мактаблар, окимлар, таълимотлар таъсирида бўлди, олимлар томонидан лисоний ходисалар хақида айтилган

фигрлар қарама қаршилигига, тил ҳодисалари ҳакида яратилган жуда күплаб манбаларга «гувоҳ бўлди», шаклланди. Аниғи, тилшунослик фани хам жаҳон фанлари тизимида ўзига хос ва ўзига мос доимий мустаҳкам ўрин эгаллади¹. [1.9.]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қозоқ лаҳжашунослик фани ер юзидағи қозоқ миллатига мансуб ахолининг жонли сўзлашув тилини текширади. Маконни ўрганиш нуктаи назардан диалектология икки хил бўлади:

- 1) тасвирий диалектология ёки диалектография;
- 2) тарихий диалектология.

Тасвирий диалектология ёки диалектография маҳаллий шева ва лаҳжаларга хос фонетик ва лексик, морфологик хусусиятларни кайд этади, ёзиб олади ва уларни картага туширади. Тарихий диалектология тилнинг диалектал хусусиятлари билан бирга, шу хусусиятларнинг келиб чикиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариш, кардош тиллар билан муносабати ва шу шеваларнинг ташкил топишида кардош ва кардош бўлмаган тилларнинг иштироки кабиларни ўрганади. Кейинги йилларда барча қозоқ шеваларини ареал ва лингвогеографик усуллар билан ўрганиш ҳам тарихий мақсадларни кўзда тутади. Диалектологиянинг шеваларни ўрганиши эса тил тарихи учун ҳам, ҳалқ, тарихи учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради. Чунки, адабий тилда аллакачонлар йўқ бўлиб кетган ёки ўзгаришга учраган сўзлар, айrim грамматик шакллар маҳаллий шеваларда сақланиб қолганлиги табиий. Уларни топиб адабий тилга олиб кириш ёки уни бойитиш жуда муҳимдир. Тилшуносликда диалектология тиллар тарихидаги айrim ноаник масалаларни ойдинлаштириш, ҳал қилиш учун асосий манба беради.

Қадиимги ёзма ёдгорликлар тилнинг биз учун ноаник, (гумонли) бўлган айrim хусусиятларини ҳозирги турли шевалар материаллари ёрдамида аниқлашимиз ва тўлдиришимиз мумкин. Шеваларни ўрганиш адабий тилнинг фонетик, лексик – грамматик нормаларини белгилаш, орфография ва орфоэпиясини стабиллаштириш учун катта ёрдам беради. Шеваларни ўрганиш орккали ўтмишдаги уруғ ва қабилаларнинг жойлашиш ҳудудларини аниқлаш, этнонимлар, топонимлар, гидронимлар, умуман онамастика (номлар) воситасида ҳалқ, тарихининг айrim мавҳум томонларини ёритиш мумкин.

¹ Р.Расулов. Умумий тилшунослик. Дарслик. Тошкент. 2010. 9 – бет.

Шу жиҳатдан, диалектларни ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Диалектология (лаҳжашунослик) нинг ўрганиш макони: шева, диалект ва лаҳжа атамалари. Бу атамалар диалектология фанининг ўрганиш макони (объекти) ҳисобланади. Шева – бирор тил доирасидаги халқ, жонли тилининг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларга эга бўлган энг кичик қисми ҳисобланади². [2.5.] Масалан, Тошлоқ, шеваси, Қарноқ шеваси, Чимкент шеваси, Турк шеваси.

Диалект – тишишуносликка доир адабиётларда кўпинча лаҳжа маъносида, баъзан шева маъносида ҳам қўлланади. Олимлар томонидан яратилган диалектологияга оид илмий ишларда шева, диалект ва лаҳжа атамаларини фарқламаслик, аралаштириб қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Диалект – халкаро атама бўлиб, умумлингвистик «диалект» маъносида ишлатиш лозим. Диалектология фани учун шева ва лаҳжа атамаларини қўллаш етарлидир. Бироқ, халқларнинг жонли тилини ўрганган олимлар бир қатор шаҳар шевалари учун диалект атамасини ишлатганлар: Масалан, қозоқ ва ўзбек халқлари шеваларига хос бўлган Фарғона диалекти, Самарканд – Бухоро диалекти, Андижон диалекти, Қипчоқ диалекти, Чимкент диалекти ва бошқалар. Лаҳжа – арабча сўздан олинган бўлиб, равиш, тарз, йўсин каби маъноларни билдиради. Лингвистикада тилнинг бир неча шева ва диалектларини ўз ичига олган, умумий хусусиятлари жиҳатдан ўхшашиб катта бўлаги, яъни шевалар йифиндисидир. Эски туркий тилларга доир адабиётларда лаҳжа (русча наречие) атамаси ҳозирги мустақил миллий тил маъносида ҳам ишлатилган. Масалан, туркий тилларнинг қозоқ лаҳжаси – бу ибора ҳозирги қозоқ миллий тили маъносида қўлланган³.

Диалектологиянинг асосий вазифасига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг кўлами жуда кенг. Диалектология фанининг макони (объекти) маҳаллий шева диалекти ва лаҳжаси бўлиб, максади ва вазифалари куйидагилардан иборат:

- шева ва диалектларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларини ҳар томонлама тавсиф килиш;
- миллий тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида шеваларнинг тутган ўрни ва шу миллий тилга асос бўлган шеваларни аниқлаш;

² Б.Тўйчибоев, Б.Хасанов. Ўзбек диалектологияси. Тошкент. А.Кодирий номидаги Халк мероси нашриёти.. 2004. 5 – бет.

³ .Тўйчибоев, Б.Хасанов. Ўзбек диалектологияси. Тошкент. А.Кодирий номидаги Халк мероси нашриёти.. 2004. 6 – бет.

- шеваларнинг ўзаро муносабатини, уларнинг адабий тил ва кардош тилларга бўлган муносабатларини белгилаш;
- ўхшаш хусусиятларига кўра шеваларнинг таркалиш чегарасини аниклаш;
- умумий ўхшаш лингвистик хусусиятларини белгилаш асосида шеваларнинг маълум худуддаги таркалиш карталарини тузиш ва шеваларни тасниф килиш;
- ўрганилган шеваларни карталаштириш асосидаги лингвистик атласини тузиш ва бошқалар.

Тил шеваларининг асосий хусусиятларини яхши билиш ўқитувчилар, айниқса она тили фани ўқитувчилари учун жуда зарур. Ҳозирги кунда шева хусусиятлари адабий тил таъсирида жуда тез бирлашиб, текисланиб бораётганига қдрамай, бу хусусиятлар фактат қишлоқларда эмас, балки шаҳарларда ҳам маълум даражада сакланиб турибди. Шу сабабли ўқувчилар нутқида, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари ёзуvida учрайдиган хатолар шева таъсирида содир бўлмокда. Шунинг учун ўқитувчилар, айниқса, она тили ўқитувчиси адабий тил меъёрларини яхши билиши, бу меъёрларни ўқувчиларга ўргатиши, уларнинг ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини ўстириш устида тинимсиз машғулот олиб бориши зарур ҳамда ўқувчилар нутқида учрайдиган камчиликларни (шева таъсиридаги) тузатмок учун барча шеваларга хос хусусиятларни яхши билмоғи керак. Масалан, қозоқ тили шевасида *шылатың – леген, жам, кірлен, шылаушың, тас; кесе – самал, тиялай, тас аяқ, шыны аяқ, ақпыр, ақпар, кардон, жанан; курке – балағаш, балаған, шайла, шабра, кепе, алтаяқ, қопың, лапас, жаппа*⁴ [<https://zharar.kz>] каби шева хусусиятлари учраб туради. Ўқувчилар нутҳида учрайдиган бундай хатоларни тузатиш учун ўқитувчи шу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабини билмоғи керак.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Республика олий ўқув юртларида филологик ўқитишининг асосий вазифаси адабий тил нормаларини, шунингдек, адабий тилнинг шеваларга булган муносабатини ҳам ўргатишидир. Бу вазифани ҳал қилиш филологларнинг тилнинг тарихий ривожланиш қонуниятларини яхши билиши билан боғлиқдир. Филологлар бу маълумотлар билан диалектология фанини бойитади.

⁴ Диалектология туралы жалпы тусінік. <https://zharar.kz>

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Дарслик. Тошкент. 2010. 9 – бет.
2. Тўйчибоев Б., Хасанов Б. Ўзбек диалектологияси. Тошкент. А.Кодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2004. 5 – бет.
3. Тўйчибоев Б., Хасанов Б. Ўзбек диалектологияси. Тошкент. А.Кодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2004. 6 – бет.
4. Диалектология туралы жалпы тусиник. <https://zharar.kz>